

# ТОШКЕНТ ОҚШОМИ



Газета 1966 йил  
1 шолдан  
чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОЙ-СИЁСИЙ КУНДАЛИК ГАЗЕТАСИ

№ 64 (12.125)

Баҳоси эркин нархда

## ОҚСАРОЙДА ҚАБУЛ

Ўзбекистон Республикаси Президенти  
Ислом Каримов 29 март куни Оқсаройда АҚШ  
Куролли Кучлари Марказий қўмандонлиги  
қўмандони Жеймс Мэттисни қабул қилди.

Суҳбат чоғида давлатимиз раҳбари кейинги вақтда Ўзбекистон ва АҚШ самарали сиёсий мулоқот, иктиносидёт ва сармоя, янги таҳдид ва хавф-хатарларга қарши курашиб, минтақавий хавфсизлик ва барқарорликни таъминлаш сингари фоят мухим йўналишлар бўйича ҳар томонлама ҳамкорликни сезиларли даражада фолластиришга эришганини таъкидлайди.

Чурашувда минтақадаги мавжуд вазият, Афғонистон муаммосини ҳал қилиш, шунингдек, ўзаро муносабатларни ривожи-

(ЎЗА)

Ўзбекистон – хорижликлар нигоҳида

## ЎЗБЕКИСТОН ДУНЁНИНГ ТАРАҚҚИЙ ЭТГАН ДАВЛАТЛАРИ САФИДАН МУСТАҲКАМ ЖОЙ ОЛМОҚДА

**Бетакрор ва тароватли мамлакатимизнинг қадими обидалари, замонавий иншоотлари, хушиманзара табиати ва файзли гўшалари ҳеч бир сайдиҳни бефарқ қолдирмайди. Бугун гўзал пойтахтимиз кўчаларида ҳам кўплаб сайдиҳларни учратиш мумкин. Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги – ЎЗА мухбири улардан айримларининг таассуротлари билан қизиқди.**

**Наум ЛИМ (Сингапур):**

– Касбим – ўқитувчилик, хизмат сафари юзасидан кўплаб давлатларда бўлганман. Қайси мамлакатга бормай, у ердаги таълим тизимида амалга оширилаётган ишлар билан қизиқаман. Тошкентдаги қатор таълим муассасалари фаолияти билан яқиндан танишдим. Улардаги ресурс марказлари, электрон кутубхоналар, замонавий аудиториялар, илмий-маърифий тадбирлар учун мўлжалланган заллар, спорт майдончалари халқаро талаблар даражасида бунёд этилгани ва жиҳозланганига гувоҳ бўлдим.

Ўзбекистонда жаҳондаги етакчи олий таълим даргоҳларининг филиаллари ташкил этилгани соҳада эришилаётган ютуқлардан, таълим тизимида халқаро ҳамкорлик алоқалари тобора қенгайб бораётганидан далолат беради. Тошкентдаги Сингапур менежментни ривожлантириш институти бунинг тасдигидир.

Шуни алоҳида таъкидлашни истардимки, ҳеч бир мамлакат менинг ўзбекистондек ўзига мафтун этмаган. Шарқ ва Гарбни бир-бирига боғлаб келган, мөъморий обидалар ва муқаддас қадамжоларга бой, цивилизация бешикларидан бири бўлган Ўзбекистон ҳар қандай кишини ҳайратга солиши шубҳасиз.

**Жехан БЕРТЬЕ (Франция):**

– Тошкентга бундан ўн иккайил аввал келган эдим. Шаҳарни саир қилас эканман, унинг таниб бўлмас даражада ўзга-

риб, ўзгача чирой очганини кўриб, лол қолдим. Бу мафтункор заминда амалга оширилган мисливий бунёдкорлик ва ободонлаштириш ишлари ҳар қандай сайдиҳни мафтун этади.

Бу йил Амир Темур таваллудининг 676 йиллиги нишонланади. Унинг ўзбек давлатчилиги тарихида тутган ўрни, амалга ошириган бунёдкорлик ишлари, Амир Темур ва темурйлар даврида барпо этилган мөъморий обидалар Соҳибқироннинг буюй иктидор ва салоҳият соҳиби эканидан далолатdir. Франциядек хам бу улуг сиймога улкан хурмат ва ёхтиром билан карашади. Парижда Амир Темур ҳайкални ўрнатилган. Хозирги кунда Амир Темур тарихини ўрганишга бўлган қизиқиши кучайб бормокда. Парижда маҳсус «Темурийлар» журнали чор этилаётганини бунинг далилидир. Амир Темур жаҳон халқлари тарихи ва цивилизациясига улкан хисса кўшган буюк шахсадир.

Тошкентдаги Темурийлар тарихи давлат музейини томоша килиш имконига эга бўлганимдан фоят хурсандман.

**Грэжерс ЛАРСЕН (Дания):**

– Ўзбекистонга оиласи билан келдим. Юртингизга илк сайдиҳимиз мазмунли ўтмоқда. Фарзандларимнинг хурсандлигини айтмайсизми. Бу ерда болаларнинг мароқли дам олиши учун яратилган кенг ва куляй шароит энг ривожланган мамлакатлардагидан асло қолишмайди.

(Давоми 2-бетда)

## ПОЙТАХТНИНГ

БИР  
КУНИ



«Софлом авлод учун» жамғармаси, Ўзбекистон Бастакорлар уюшмаси, Ҳалқ таълими вазирлиги ҳамкорлигида мусиқа мактаблари ўқувчилари ўртасида «Санъат ғунчалари» Республика кўрик-танлови бўлиб ўтди. Танловда Қорақолғозистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳридаги мусиқа мактабларида таълим олаётган вилоят босқичларидағи ғолибликни кўлга киритган жами 100 нафар ёш иктидорли мусиқачилар ўзаро беллашдилар.

### Танловлар

## САНЪАТ ҒУНЧАЛАРИ

Республика мусиқа ва санъатга ихтисослаштирилган мактаб-интернатда ўтказилган танловларни яқунловчи босқичида зарбла ва дамли ҷолға асбобларида ижро йўналишида 9 ёшдан 16 ёшгача бўлган мусиқачилар иштирокчиларда иштирокчилар ва маҳоратларини намоён этдилар. Иштирокчилар маҳорати тажрибаси ҳайати азъолларни томонидан баҳолаб бориди.

Ўзбекистон Давлат консерваториясида танлов

ғолибларини тақдирлаш маросими ўтказилди. Унда турили ёш тоифаларидағи ғолиб чиқсан ӯкувчиларга диплом ва эсдалик совғалари топширилди. Мазкур танлов иштирокчилар учун ҳакиқий мусиқа ва санъат байрамига айланди десак, муболага бўлмайди.

– Кўрик-танловни ўтказишидан кўзланган асосий максад иктидорли болаларни аниқлаш ва уларни ҳар томонлама кўллаб-кувват-

лаш, – дейди «Софлом авлод учун» ҳалқаро ҳайрия жамғармасининг раҳбари Светлана Иномова. – Чекка худудларда истиқомат килувчи ёшларни жалб этиш орқали юқоридаги санъат турларини кенг тарғиб этишдир. Ўйлаймизки, бу каби тадбирлар ёш истебодларга имконият эшикларини очиб беради.

Рухсора ЭЛМУРОДОВА  
Сарвар Үрмонов(ЎЗА)  
олган сурат

## ИДОРАЛАРО КЕНГАШ ЙИФИЛИШИ

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасида Республика ахборот-кутубхона тизими фаолиятини мувофиқлаштириш бўйича идоралараро кенгашнинг йиғилиши бўлиб ўтди.

Унда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 20 мартда қабул қилинган «Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонаси – ахборот-ресурс маркази фаолиятини ташкиллаштириш чоралари тўғрисида»ги Қарорида белгиланган вазифаларнинг ижорсини таъминлаш масаласи кўриб чиқildi.

Йиғилишда турли хил ахборот-кутубхона жаҳаёнларини интеграциялаш, ахборотга ишлар бериси ва Миллий кутубхона электрон мавзумотлар базасига киритиш имкониятини яратиш орқали маълумотлардан кўп марта ва узок масоғадан туриб фойдаланиш,

худудлар даражасидаги китобхонларга хизмат кўрсатишнинг тезкорлигини ва сифатини ошириш масалалари кўриб чиқиди.

Ахборот-коммуникация технологиялари, чет тилларни ғаллаш ва кўллаш асосида кўрсатиладиган турли хизматлар ҳажминиша сифатини хисобга олган ҳолда ходимлар меҳнатига ҳақ тўлаш ва рабатлантириши тизимини такомиллаштириш, шу жумладан, ахборот-кутубхона фаолияти тармоқ классификаторидаги мавжуд лавозимларни қайта кўриб чиқиш ва янгиларини киритиш вазифалари мухокама қилинди.

(Давоми 2-бетда)

## ОБОД ШАҲРИМ – ОЗОДА ШАҲРИМ

ҳар шанба куни «ОЗОДА ШАҲРИМ» шиори остида тозалик куни ўтказилади

### ХУРМАТЛИ ҲАМШАҲАРЛАР!

Шаҳримизнинг янада кўркам бўлиши, қўчаларимизнинг орасатлиги, маҳаллаларимизнинг озода ва ободлигига ҳисса кўшиш ҳар биримизнинг инсоний бурчимиз эканлигини унутмайлик, тозалик ва ободонлаштириш ишларида фаол бўлайлик!

## ҚИСҚА САТРЛАРДА

Тошкент шаҳар ҳокимигининг Ахборот хизмати ва ўз мухбирларимиз хабарларидан.

• **БУГУН** Ҳамза туманинг Тошкент хотин-қизлар коллежида «Кадрият, урф-одат, аъдана ва ёшлар» лойиҳаси доирасида ёшлар фести-

вали бўлиб ўтди.

✓ **КЕЧА** Ўзбекистон Миллий матбуот марказида DOIS маркази ҳамкорлигига журналистлар учун матбуот анжумани ўтказилди.

✓ **КЕЧА** Учтепа туманинаги

«Кўркамобод» маҳалласида «Оила устуни» мавзууда давра сухбати ўтиширилди.

✓ **МИЛЛИЙ** матбуот марказида меҳнаткашларнинг меҳнат ҳукукларини ҳимоя қилиш ҳамда саломатликларини мустаҳкамлаш борасида

амалга оширилаётган ишларга багишланган тадбир бўлиб ўтди. Ўзбекистон касаба ўюнмалари Федерацияси кенгаши ташабуси билан ташкил этилган тадбирда тегишли ташкилот ва идора ходимлари ҳамда журналистлар иштирок этди.



сафоси  
Барча  
манбалардан  
олинган сўнгги  
хабарлар

МАМЛАКАТИМИЗДА

• Зарафшон шаҳрида Президентимизнинг «Ўзбекистон мустақилликка эришиш остоносида» асарини ўрганишга багишиланган тадбир ўтказилди. Унда вилоят Маънавият тарғибот бўлими вакиллари, Навоий кон-металлургия комбинати ишхизматчилари, Навоий кончиллик институти профессор-ўқитувчилари ҳамда кенг жамоатчилик иштирок этди.

• Бухородаги «Кўхна ва бокий Бухоро» монументи поида Куролли Кучларимиз сафалари муддатли ҳарбий хизматни ўташга киришган аскарларнинг ҳарбий касамёд қабул қилиш маросими бўлиб ўтди.

• Кечакарданда «Дастлабки терор» ва судови жараённада экспертиза ўтказишининг долзарб муаммолари мавзууда идораларо амалий ўкув-семинар ўтказилди. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги кошидаги X. Сулеймонова номидаги Республика суд экспертиза маркази, Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Эксперт криминалистика маркази, Соғлики сақлаш вазирлигининг суд-тиббиёт экспертизлари Бош буороси етакчи мутахассисларни ҳамда вилоятдаги ҳуқук-тартибот идоралари ходимлари иштирок этган тадбирда суд экспертизасининг буғунги имкониятлари, соҳадаги янгиликлар ҳақида сўз юритилди.

• Кечакарданда «Дастлабки терор» ва судови жараённада экспертиза ўтказишининг долзарб муаммолари мавзууда идораларо амалий ўкув-семинар ўтказилди. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги кошидаги X. Сулеймонова номидаги Республика суд экспертиза маркази, Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Эксперт криминалистика маркази, Соғлики сақлаш вазирлигининг суд-тиббиёт экспертизлари Бош буороси етакчи мутахассисларни ҳамда вилоятдаги ҳуқук-тартибот идоралари ходимлари иштирок этган тадбирда суд экспертизасининг буғунги имкониятлари, соҳадаги янгиликлар ҳақида сўз юритилди.

• Самарқандда «Дастлабки терор» ва судови жараённада экспертиза ўтказишининг долзарб муаммолари мавзууда идораларо амалий ўкув-семинар ўтказилди. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги кошидаги X. Сулеймонова номидаги Республика суд экспертиза маркази, Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Эксперт криминалистика маркази, Соғлики сақлаш вазирлигининг суд-тиббиёт экспертизлари Бош буороси етакчи мутахассисларни ҳамда вилоятдаги ҳуқук-тартибот идоралари ходимлари иштирок этган тадбирда суд экспертизасининг буғунги имкониятлари, соҳадаги янгиликлар ҳақида сўз юритилди.

• Франциянинг газ қазиб олувчи «Тотал» компаниясига қарашли платформада газ сирқиби чиқиши аниқланган. Шимолий денгизнинг Буюк Британияга тегиши кисмидаги жойлашган мазкур платформада фавкулодда ҳолат ҳылонг қилинди. Мутахассислар кондаги газ босими ни камайтириш учун яна бошқа бурғила

Тошкент шаҳар Ўрта маҳсус касб-хунар таълими бошқармасидан олинган маълумотларга кўра, ўтган йили Ҳамза туманида жойлашган бешта коллежда 2182 нафар мутахассис тайёrlаниб, улардан 1971 нафари ишга жойлаштирилди, 95 нафари эса олий ўкув таълирида ўқишини давом эттироқмода.

Ҳамза туманидаги Тошкент меҳмонхона хўжалиги касб-хунар коллежида битирувчилари амалайт ўтаган ташкилотлариша ишга жойлаштириш масаласига катта масульяту билан ёндашилмоқда.

- Коллежимиз 2010 йилдан бўён мөхмонхона хўжалиги ва туризм йўналиши бўйича мутахассислар тайёrlаб келмоқда, - дейди коллеж директори Рўзимурод Соипов.

- Хозирги вақтда коллежда 914 нафар ёшлар таҳсил олмоқда, улар бу ерда нафакат кенг ҳамровли назарий билимларни, балки амалий кўнисмаларни ҳам эгаллайди, бу уларнинг келгусидаги иш фаолиятида кўл келади.

Мутахассисларни тайёrlашда энг катта эътибор таълимни ихтисослаштиришга қаратилади. Бу ерда туризм соҳаси учун мутахассислар билан бирга ошпазлар ва қандолатчилар ҳам тайёrlанади. Майумки, меҳмонхона бизнесида умумий овқатланиш дарахаси ва сифати мухим роль ўйнайди. Шу боис мазкур соҳада миллий ва хорижий таомлар тайёrlаш бўйича мутахассислар, новвой ва қандолатчилар, ресторон ва меҳмонхона хўжалиги менежерлари, бармен ва официантларга таалаб катта.



